Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 3 декабрь, шанба | №177 (21.752) | Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ХЎЖАЛИКЛАРГА УЛАРНИНГ ИХТИЁРИДА ҚОЛДИРИЛАДИГАН ПАХТА ТОЛАСИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА КЎМАКЛАШИШ ТЎҒРИСИДА

Белгиланган топшириқнинг 33 фоизи ва топшириқдан ортиқчаси ҳисобига хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толасини ташқи бозорда сотишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва Статистика давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги 1995 йилнинг 1 январигача Вазирлар Маҳкамасига 1994 йил ҳосилидан хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси ҳажми бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этсинлар.

1994 йил пахта хом ашёси ҳосилини қайта ишлаш якунлари бўйича кўрсатиб ўтилган ҳисоб-китобларга зарур тузатишлар киритсинлар.

2. "Ўздавпахтасаноатсотиш" уюшмаси хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахтани биринчи навбатда қайта ишлашни ва хўжаликлар томонидан тузилган контрактлар бўйича пахта толасини экспортга етказиб беришни таъминласин.

Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толасини сотишни таъминловчи Қорақалпоғистон Республика ва вилоят уюшмалари ишларни мувофиқлаштирсинлар ва хўжаликларга уни экспортга етказиб беришда ёрдам кўрсатсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толасини экспорт қилиш учун лицензияларнинг ўз вақтида берилишини таъминласин.

"Ўзбекистон темир йўллари" Давлат-акционерлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хўжаликлар томонидан хорижий шерикларга етказиб бериладиган пахтани юклаб жўнатиш ва божхонада расмийлаштириш масалаларини тезкорлик билан ҳал қилсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки:

Хўжаликларга валюта счётлари очишда зарур ёрдам берсинлар. Ҳар бир хўжалик ўз валюта счётига эга бўлишига кўмаклашсинлар;

Хўжаликларнинг валюта счётларига маблағларнинг ўз вақтида ўтказилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартибда амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 2 декабрь.

САРҚОНУНГА БАҒИШЛАНДИ

2 декабрь куни Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтида мазкур академия ижтимоий-гуманитар институтлари, республика ҳуқуқ-тартибот идоралари, пойтахтимиз айрим олий ўқув юртлари вакиллари иштирокида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг иккинчи йиллигига бағишланган "Миллий истиқлолимизнинг сиёсий-ҳуқуқий асоси" мавзуидаги конференция бўлди.

Йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон ФА мухбир-аъзолари Х. А. Раҳмонқулов ва А.Валиев "Ўзбекистон Конституцияси — мустақил мамлакатимиз ижтимоий тараққиётининг энг муҳим сиёсий ҳужжати", "Ўзбекистон Конституцияси ва унинг тарихий аҳамияти" деган мавзулардаги маърузалар билан чиқиш қилдилар.

Э. ХЎЖАЕВ

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

1 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Бельгия қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мишель Адам қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонни мамлакатимиз Президентига ишонч ёрлиғини топширганлиги билан қутлаб, унга элчилик фаолиятида муваффақиятлар тилади. У Президент И. А. Каримов бошчилигида юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ҳақида, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган мавқеи, унинг Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига илк бор кўппартиялилик асосида ўтказиладиган сайловларга кўраётган тайёргарлиги, сайловолди Сиёсий дастури, депутатликка кўрсатилган номзодлари тўғрисида сўзлаб берди.

Меҳмон ўзини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди. Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК
Матбуот маркази

НОМЗОДЛАР УЧРАШУВИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан пойтахт бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Анжуманни ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов кириш сўзи билан очди.

Йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари А. Абдуқодиров, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ. Абдураимов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар илк бор кўппартиялилик асосида демократик йўсинда мамлакат парламенти ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига ўтказиладиган сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари, партиямиз ташкилотларининг сайловларга кўраётган тайёргарлиги, республикамизда молия-кредит тизимини такомиллаштириш, нархнаво сиёсатини белгилаш сингари муҳим масалалар ҳақида фикр юритдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар туманлари кенгашларининг биринчи котиблари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК
Матбуот маркази.

ЕВРОПА ЧЕГАРАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши ҳаракати мунтазам кенгайиб бормоқда. Илгари бу ҳаракатда 33 мамлакат иштирок этган бўлса, ҳозир уларнинг сони 53 тага етди. Бу — халқаро ташкилотнинг нуфузи янада ортаётганини кўрсатади. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХҲК) тарихи 1975 йилда Хельсинкида фақат айрим давлатлар ўртасидаги эмас, балки барча қитъалардаги 33 мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган муҳим ҳужжатларни имзолашдан бошланган эди. Эндиликда, Европа ва Осиёнинг катта қисмида юз берган туб ўзгаришлардан сўнг ЕХҲК таркибига яна йигирмата давлат қўшилди. Уларнинг кўпчилиги собиқ СССР таркибидаги республикалардир.

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг биринчилар қатори ЕХҲКга қўшилди. Бу тасодиф эмас. Тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ҳозирги дунёда ЕХҲК ўрнини босадиган ташкилот йўқ. — Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг фикри ана шундай. — Бу ташкилот аллақачон Европа чегараларидан четга чиққан. Унинг ишида АҚШ ва Канада вакиллари иштирок этаётгани ҳам бежиз эмас.

ЕХҲКнинг ўн қоидаси унинг асосий тамойилларига айланди. Бу қоидаларни санаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, чунки улар барчага маълум. Аммо, улар орасида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, чегараларни ўзбошимчалик билан қайта кўриб чиқишдан тийилиш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш сингари қоидалар энг муҳим қоидалар ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси 1990 йилда Парижда имзоланган Европа Хартиясида қайд этилган. Унда, жумладан, бундай дейилади: "Ҳозирги замон халқларимиз қалбида ўнлаб йиллар давомида яшаб келган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига асосланган демократияга қатъий содиқлик; иқтисодий эркинлик ва ижтимоий адолат орқали юксалиш ва мамлакатларимиз учун баравар хавфсизликка эришиш орзу-умидлари амалга ошириладиган даврдир".

Энг муҳим жойи шундаки, юқорида санаб ўтилган тамойилларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида акс этган. Таниқли халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотларининг кўп сонли экспертлари ўз хулосаларида буни тасдиқлашди. Бунинг маъноси нима? Бу саволнинг жавоби равшан: мустақил Ўзбекистон дунёвий тараққиёт асосида демократик давлатни барпо этиш йўлига ўтиб, ўзи танлаб олган қоидаларга содиқ бўлиб қолмоқда. Биз доим бир нарсага амал қиламиз: модомики, иқтисодий қонунлар мавжудми, уларни менсимаслик мумкин эмас. Бунинг устига, уларни қайта ёзиб, ўзгартириб бўлмайди! Ҳар қандай "изм"лар инқилоблар каби халққа муаммолар ва маҳрумликлардан бошқа ҳеч нарса келтирмайди. Фақат тараққиётнинг тадрижий йўли, бозор муносабатларига ўтиш давридаги иқтисодий йўналишдаги сиёсатгина Ўзбекистоннинг келгусида гуллаб-яшнашига кафолатдир. Бунга жамиятдаги сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни қўшадиган бўлсак, республикамиз нима учун ва қандай қилиб халқаро майдонда тобора муҳим ўринни эгаллаётгани тушунарли бўлади.

Шунга қарамасдан, Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган Ўзбекистон нима учун Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида фаол иштирок этиши зарур, деган савол туғилиши мумкин.

Бу саволга ҳаётнинг ўзи, Тинч океандан Атлантика океанигача бўлган улкан маконда тез ўзгариб бораётган вазият жавоб беради. Ҳа, давлатларнинг чегаралари дахлсиз бўлиши керак! Биз ҳаммамиз сиёсий жиҳатдан бўлса ҳам, миллатлараро, экология жиҳатидан бўлса ҳам, юз берган ҳар қандай маҳаллий можаро шу минглаб километр масофадаги вазиятни ёмонлаштириши мумкин бўлган жўғрофий-сиёсий заминда яшамоқдамиз. Мисол учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Афғонистондаги сиёсий беқарорлик, Тожикистонда юз берган фуқаролар уруши, Орол денгизининг қуриши — буларнинг ҳаммаси маҳаллий можаро эмас, уларнинг оқибати Россияда ҳам, ҳозир юксалиб, гуллаб-яшнаб турган ғарбий Европада ҳам сезилмоқда. Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг вазиятни барқарорлаштирувчи халқаро ташкилот сифатидаги аҳамияти мислсиз эканига амин бўламиз. ЕХҲК нинг якунловчи минтақа семинари кузда Тошкентда ўтказилгани ҳам тасодифий ҳол эмас, албатта. Бунинг устига, мазкур нуфузли халқаро ташкилот ўзининг Марказий Осиёдаги ваколатхонасини Ўзбекистон пойтахтида очмоқчи бўляпти. Шунинг ўзи ҳам кўп нарсадан дарак беради.

5-6 декабрь кунлари Будапештда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида иштирок этувчи давлат ва ҳукуматлар бошлиқларининг конференцияси бўлади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу анжуман ЕХҲК тарихидаги энг мартабали анжуман бўлади. Унда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегацияси ҳам иштирок этади. Анжуман олдидан башорат қилишнинг кераги йўқ, аммо шуни ишонч билан айтиш лозимки, Ўзбекистон ҳар доимгидай бу гал ҳам Евроосиё қитъасида хавфсизликни мустаҳкамлашга доир янги ташаббуслар билан чиқади. Чунки, тинчлик ва барқарорлик, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш — сиёсий-иқтисодий тузумлари турлича бўлган давлатлар тараққиётининг бирдан-бир йўлидир!

Л. ЛЕВИН.
(ЎзА).

Бугун — Халқаро ногиронлар куни

ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНИ

Эҳтиёжманд кишиларга ёрдам қўлини чўзиш, шикаста, мискин кўнгилларни кўтариш — руҳий гўзаллик ва маънавий баркамоллик белгисидир. Мамлакатимиз Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримов бошлиқ республика раҳбариятининг ёрдамга муҳтож оилалар, етим-есирлар, бева-бечора ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш системаси шу ўзанлардаги олижаноб ишларнинг ёркин намунасидир.

ХДП ҳужжатларида, хусусан, унинг сайловолди Сиёсий дастурида ҳам бу нарса ўз ифодасини топган. Партиямиз сайловларда муваффақият қозонса, бу йўлдан қатъият билан боришда давом этади.

Бугун — Халқаро ногиронлар куни. Шу муносабат билан биз партиямизнинг барча ташкилотлари ва аъзоларига, тарафдорларимизга мурожаат қиламиз:

Биз билан ёнма-ён яшаётган, ишлаётган ногиронлар жамиятнинг тўлақонли аъзолари эканлигини унутмайлик, уларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондиришга лоқайд муносабатда бўлмайлик. Улар одамлардан оқибат, диёнат кўтарилмаганлигига, инсонпарвар, адолатли жамият қарор топаётганлигига ишонч ҳосил қилсинлар. Ҳеч бир инсон тақдири эътиборимиздан четда қолмасин. Зеро, жамиятнинг маънавий ҳолати айнан шунга қараб белгиланишини эсдан чиқармайлик.

Юртбошимизнинг: "Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак" — деган сўзлари кундалик шиоримизга айлансин. Негаки, яхшилик — инсонийлик мезони ва унинг зийнатидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ АСОСИДИР

Ватанимиз мустақилликнинг тўртинчи йилига қадам қўйди. Ўзбек халқи қонуний сайланган Президент бошчилигида адолатли жамият қуришга киришди. Аҳолининг муҳтож табақаси — аввало ногиронлар, нафақахўрлар, етимларни ижтимоий ҳимояга олиш ҳукуматимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Ногиронларнинг ҳақ-ҳуқуқлари республикамиз Конституцияси, ҳукуматнинг меъёрий ҳужжатлари билан мустаҳкамланган.

Дарҳақиқат, бизда ногиронлар давлат ва ҳукумат ҳимоясида бўлиб, фуқаролик ҳуқуқларидан тенгма-тенг фойдаланадилар. Ижтимоий ҳимоя йўриғидаги қонунларимиз ногиронларнинг имтиёзлари доирасини кенгайтиради. Улар барча фуқаролар сингари таълим олиш, меҳнат қилиш, даволаниш, дам олиш, сайлаш ва сайланиш каби қатор ҳуқуқлардан баб-баравар фойдаланадилар.

Ногиронлар муаммосининг муҳимлигини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. 1975 йилда "Ногиронларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида" халқаро Декларация қабул қилинди. 1981 йил — Ногиронлар йили, 1983-92 йиллар ногиронлар ўн йиллиги деб эълон қилинган эди.1981 йилда БМТ ногиронлар манфаатини ҳимоя қилувчи жамғарма ташкил этди. Жамғарманинг асосий вазифаси ногиронлар муаммоларини ҳал қилишда ривожланаётган мамлакатларга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборатдир. Жумладан, БМТ Ўзбекистоннинг ўзигагина ногиронларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш учун бу йил 1 миллиондан зиёд Америка доллари ажратди.

Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг ташкил этилиши қонуний жараённинг натижасидир. Энди ногиронларнинг ақлий, ижодий ва жисмоний меҳнат имкониятларини марказлаштириш имкони туғилди. Улар ҳуқуқий ва демократик давлатни қарор топтиришда ўз билим ва меҳнатлари билан иштирок этмоқдалар.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ногиронлар жамиятининг фаолиятига хайрихоҳлик билдириб, уни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Куни кеча мамлакатимиз ногиронларини бирлаштирувчи қатор жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотланиши бунга ёркин мисолдир.

Ногиронлар жамияти "Наврўз", Болалар жамғармалари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, БМТнинг Ўзбекистондаги вакиллиги, "Болаларни асранг" Буюк Британия халқаро хайрия жамғармаси, Ҳиндистон, Голландия, АҚШ, Туркия, Германия элчихоналари билан ҳуқуқий ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатган.

Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди Сиёсий дастурида ногиронларга доир масалалар ўз ифодасини топган. Сиёсий дастурда ногиронларнинг манфаатлари ҳар жиҳатдан асослаб берилган.

Ҳар қандай ривожланган давлатнинг маданият даражасини ногиронларга муносабатдан билса бўлади. Зотан, бу муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши аҳоли барча қатламларининг турмуш даражаси яхшиланганидан далолат беради. Шубҳа йўқки, ногиронлар муаммосини бир вазирлик ёки бир идора доирасида ҳал этиш мушкул. Бу масала халқ хўжалигининг барча тармоқларига дахлдор, унинг ечими жамиятнинг ҳеч бир аъзосини бефарқ қолдирмаслиги керак.

Халқаро ногиронлар кунида барча ватандошларимга, ногиронларга энг аввало саломатлик тилайман! Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига ҳар биримиз ўз меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшайлик! Ер шарида таваллуд топаётган ҳар бир чақалоқнинг тўрт мучаси соғ бўлсин!

Содиқ УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК БЕЛГИСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМИНИНГ ПАРТИЯМИЗ АЪЗОЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ, БАРЧА ФУҚАРОЛАРГА МУРОЖААТИ

Азиз дўстлар!

Ўз давлат мустақиллигининг тўрт йиллигига қадам қўйган Ватанимизда тақдириломон иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида бозор қоидаларига асосланган замонавий иқтисодиёт, ҳуқуқий, демократик давлат, адолатли жамиятнинг пойдевори вужудга келтирилмоқда. Халқимизда ўзлигини таниш, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғулари шаклланмоқда. Асрий қарамлик ва мутеликдан кейин ўз қаддини ростлаётган Ўзбекистон жаҳонга танилмоқда.

Ушбу тарихий янгиланишда мустақиллик фарзанди сифатида майдонга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳамда унинг нашрлари — "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарининг салмоқли улуши бор.

Газеталаримиз ҳукуматимизнинг одилона ички ва ташқи сиёсати, халқчил фаолиятини фаол тарғиб қилиш билан бирга партиямизнинг дастурий ғояларини ХДП аъзоларию партиясиз фуқароларга ҳар томонлама тушунтириб, ташкилотларимизнинг аҳоли турли қатламлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқдалар.

Шунингдек, мазкур нашрларимиз партиямиз ташкилотларининг фаолияти, уларнинг халқимизнинг турмушини яхшилаш, ислоҳотлардаги иштироки, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашдаги саъй-ҳаракатларини кенг ёритмоқдалар.

Аммо, кейинги пайтларда, ўтиш даврининг мураккабликлари оқибатида, матбуотимиз турли қийинчиликларга дуч келмоқда. Партиямиз ўз матбуотига эътиборни кучайтириб, уларга ўзининг маънавий ва моддий ёрдамини кенгайтирмоқда. Бироқ, газеталаримизга бутун партиямиз, унинг ҳар бир ташкилоти, ҳар бир аъзоси, қолаверса республикамизнинг бизга хайрихоҳ барча фуқаролари ёрдам қўлини чўзмасалар, уларнинг молиявий аҳволи яна ҳам ёмонлашиши, бошқа қийинчиликларнинг бартараф этилиши амри маҳолдир. Бунинг натижаси эса аянчли — газеталаримиз нусхаларининг кескин тарзда қисқариши, охир-оқибатда, матбуотимиз таъсир доирасининг торайишидирки, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Қадрли ўртоқлар! Партиямиз нашрларига шошилинч кўмаклашиш чора-тадбирларини кўрайлик. "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарига обуна бўлмаган биронта бошланғич партия ташкилоти, ХДП аъзолари бўлган бирон-бир оиланинг қолмаслиги учун курашайлик!

Корхона, хўжалик, ташкилотларнинг ҳурматли раҳбарлари! Сизни мамлакатимизнинг энг кекса ва оммавий нашрларидан бири бўлган "Ўзбекистон овози" ва русийзабон аҳоли орасида тобора қадрдон бўлиб қолаётган "Голос Узбекистана" газеталарини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз меҳнат жамоангиз, унинг аъзоларини обуна қилишга даъват этамиз.

Матбуот — ўткир ғоявий-сиёсий қуролимиз, демократик жамиятнинг муҳим таркиби. Келинг, "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталарига 1995 йил учун обунани уюшқоқлик билан якунлайлик!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси.

МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

Сир эмаски, Марказий Осиё давлатларининг миллий даромади асосан сувнинг мўллигига боғлиқ. Тошкентда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, АҚШнинг халқаро тараққиёт бўйича агентлиги (ЮСАИД) билан ҳамкорликда ташкил этилган "Сув заҳираларидан унумли фойдаланишда минтақавий ҳамкорлик" мавзуидаги семинар-кенгашда ана шу муҳим масала ҳақида фикр юритилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларидан келган мутахассислар иштирок этишди.

Семинар қатнашчилари бир неча бор таъкидлаб ўтишларига қараганда Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудида илмий-тадқиқот ишлари яхши йўлга қўйилган. Лекин шу билан бирга ишлаб чиқилган янгиликларнинг кўпини жорий этишга жиддий эътибор берилмаяпти. Бундан фақат фан эмас, табиат ҳам зарар кўради. Шу боис семинар давомида истиқболли илмий-методик ва технологик ишланмалар тавсия этилди.

Семинар давомида Орол бўйидаги экологик вазиятни яхшилаш, минтақада сув заҳиралари ва табиат муҳофазасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги муаммолар муҳокама қилинди. Семинарнинг очилиш маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Ли Кларк иштирок этди.

Семинар 2 декабрь куни ўз ишини якунлади. Унинг қатнашчилари эса Ўзбекистоннинг қадимий маданий марказлари — Бухоро ва Самарқандга сафар қилишди.

Ш. АНВАРОВ.

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛК

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш халқнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаши керак!

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан).

Самандар Қаландарович ҚОБУЛОВ, 76-Навоий сайлов округи

Бугунги доруломон кунларда нафақахўрлар, ногиронлар, уруш иштирокчилари, байналмилалчи жангчиларни ҳимоя қилиш, уларнинг оилаларига кўмаклашиш ижтимоий таъминот соҳасида ишлайдиганлардан юксак инсонийликни ва маҳоратни талаб қилади. Шундай экан, мен Самандар Қаландарович номзодини навоийлик депутатликка номзодлар орасидаги муносибларидан бири, деб биламан. Чунки ваколати тугаётган Олий Кенгаш депутатлари орасида ижтимоий таъминот муассасалари ходимлари айтарли йўқ эди. Бўлажак қонун чиқарувчи парламентга сайланадиган депутатлар орасида ижтимоий таъминот тизими вакиллари бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. С. Қобулов сингари ходимларни ҳаётнинг ўзи синовдан ўтказган. У молия техникумини, Тошкент халқ хўжалиги институти молия факультетини тугатгач, молия, солиқ идораларида меҳнат қилиб келмоқда. 1991 йилдан буён вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи.

Номзоднинг сайловолди дастуридa фуқаролар ижтимоий ҳимояси масаласи ҳам акс этган. Сайлов участкаларидаги ҳар бир учрашувда, маҳаллалардаги йиғинларда Самандар Қаландарович таъминотнинг янги қирралари хусусида, "Маҳалла"хайрия жамғармаларининг янгича иш услубларини жорий қилиш борасида жон куйдириб гапиради.

Ф. АҲМЕТОВ,
вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси, номзоднинг ишончли вакили.

Людмила Петровна ЮРИКОВА, 77-Кармана сайлов округи

— Кўппартиялилик, дегани бу кўпмиллатлиликни ҳам ўз ичига олади, — дейди ХДП Навоий вилояти кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мудири Истамжон Сувонов. — Агарда бизда барча миллат вакилларига тенг имкониятлар яратилмаганида эди, рус миллатига мансуб Людмила Петровна сингарилар Кармана шаҳридан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилмасди. Шу мисолнинг ўзиёқ Ўзбекистонда қайси миллатдан бўлишига қарамай, барча учун бирдай шароит яратилганлигини яққол ифодалаб турибди. Айни пайтда Людмила ЎзХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби сифатида фаолият кўрсатаяпти. Партия ишига, унинг Низоми ва фаолият Дастурига камарбаста.

Айниқса, қадимий шаҳар — Кармана партия аъзолари сони сифат ва салмоқ жиҳатидан юксалди. Аъзоларнинг асосий кўпчилиги ишбилармон, тадбиркор ёшлар бўлишига эришилди.

— Нафақат партия иши, балки фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, авлодлар мероси бўлган қадимги Кармана тарихий обидаларини таъмирлаш ва қайта тиклашда ҳам Л. Юрикованинг хизмати каттадир, — дейди унинг ишончли вакили, ХДП Навоий тумани кенгашининг биринчи котибаси Матлуба Адизова.

Ўктам Яндошович РЎЗИҚУЛОВ, 78-Навбаҳор сайлов округи

Кейинги пайтларда баъзи жойларда қурилишлар кўлами бир қадар сусайиб қолди. Бунга сабаб бинокорлик материалларининг, жумладан, ёғоч ва тахтанинг тақчиллигидир. Бироқ шундай инсонлар борки, темир йўл хизмати, божхоналар ва солиқлар тўлови беш, ўн баробар ошса-да Россиядан, Сибир ўлкасидан қурилиш материалларини мунтазам олиб келмоқда. Бу ўринда воситачилик, мол айрибошлаш тартиби қўл келмоқда. Ана шундайлар тоифасига Навоий вилояти "Бунёдкор" ассоциацияси бош директори Ўктам Рўзиқуловни қўшиш мумкин.

Нафақат Навбаҳор туманидаги, балки кенжа вилоятдаги маданий-маиший ва маъмурий бинолар қурилишида, янги уй-жойлар комплексида бу инсоннинг ҳиссаси бор. Энг қувончлиси, у раҳбар бўлган корхонада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилишининг кенг йўлга қўйилганидир. Дарвозалар, бежирим эшик ва дераза ромлари, темир панжаралар, бетон, ғов, ғиштлар шулар жумласидандир. Бунинг устига корхонада шарқона услубдаги ёғоч ўймакорлиги, металлга безак солиш, замонавий мебеллар ясаш цехларининг очилганини айтмайсизми!

Халқ меҳнат қилганни яхши биларкан. Ана шу боис Ў. Рўзиқулов 78-Навбаҳор сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Бу ҳам катта бир шарафдир.

А. ПИРМАТОВ,
Қ. ТЕМИРОВ,
номзоднинг ишончли вакиллари.

Баҳриддин Муртазаевич РЎЗИЕВ, 79-Конимех сайлов округи

Ҳамсуҳбатимизнинг қисқача таржимаи ҳолига тўхталадиган бўлсак Баҳриддин Рўзиев 1950 йилда Навоий туманида туғилган. Тошкент политехника институтини битирган. 1988 йилда Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясини тугатган. Тарих фанлари номзоди. Қозоқ, тожик, немис, рус тилларини яхши билади. Илк меҳнат фаолиятини оддий чилангарликдан бошлаган. Навоий, Бухоро вилоятлари комсомол қўмитаси котиби, Навоий шаҳар партия қўмитаси иккинчи котиби, Навбаҳор тумани ижроия қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган. 1992 йилдан буён эса ЎзХДП Навоий вилоят кенгашининг биринчи котиби сифатида фаолият кўрсатаяпти.

— Баҳриддин Муртазаевич, ўзингизга маълумки, ЎзХДПнинг мустақил Ўзбекистонда ўз мавқеи ва обрўси бор. Шундай экан, кўппартиялилик шароитида ўтадиган бу галги сайловлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Тўғри, чинакам демократия асосида республикамизда илк бор ўтказиладиган бу сайлов олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Чунки бу сайлов тўлиқ демократия ва ошкораликка асосланган бўлиб, тепадан буйруқ кутишлардан, кўр-кўрона овоз беришлардан йироқ.

Менга сайловолди дастури адолатга асосланган рақобатчи номзод борлигидан мамнунман.

Александр Ильич КЛИМЕНКО, 80-Зарафшон сайлов округи



Нафақат Қизилқум сарҳадларининг ўзлаштирилишида, балки афсонавий шаҳар — Зарафшоннинг қад ростлашида, унинг жаҳонга танилишида Александр Ильичнинг муносиб ҳиссаси бор. Чунки унинг самарали меҳнати,ишбилармонлиги туфайли Мурунтов олтин конидан дунёга кўз-кўз қилгулик тилла қазиб олинмоқда.

Йўлингиз тушиб олтинтопарлар шаҳрида ёки Мурунтовда бўлсангиз, шубҳасиз, Александр Ильич хусусида илиқ сўзларни эшитасиз. Зеро, у биргина кон бошлиғи сифатида эмас, балки жонкуяр раҳбар, тажрибали геолог, зукко ихтирочи сифатида олтинтопарлар орасида эътибор қозонган.

Ана шундан бўлса керак, нафақат Марказий кон бошқармаси, балки Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ҳам уни ғоят ҳурмат қилади.

— Мустақил Ўзбекистоннинг давлат тарзида шаклланиши, жаҳонга юз тутиши кўп жиҳатдан биз, олтинтопарларга ҳам боғлиқ, — дейди А. Клименко. — Чунки ер ости бойликлари, жумладан, олтин қазиб олишда республикамиз дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунинг устига бизнинг олтинимиз, айниқса, Мурунтов олтини ўзининг сифат ва салмоғи жиҳатидан оғизга тушган. Шу боис, хорижликларнинг, жумладан, америкаликларнинг олтинимизга эътибори катта. Зарафшонда олтинни қайта ишлайдиган Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси фаолият кўрсатаяпти. "Зариспарк" деб аталувчи бу корхонада ҳозир ўнлаб турдаги олтин тақинчоқлар-у зеб-зийнатлар ишлаб чиқарилмоқда.

Дарҳақиқат, Мурунтов олтинига эътибор катта. Фақат Александр Ильич каби эл севган, номзоди Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган халқ ноиблари бўлса бас, бойлигимиз кўпаяверади.

Саҳифа материалларини "Ўзбекистон овози" махсус мухбирлари Музаффар ШАРОПОВ ва Исмоил СУЛАЙМОНОВ тайёрлашди.

Молдабек Бердиқабулович СЕЙТНАЗАРОВ, 81-Томди сайлов округи

Томди томонларда, Учқудуқ кенгликларида, қўйингки асрий Қизилқум сарҳадларида ҳал этилиши лозим бўлган муаммо, ечимини кутаётган чигалликлар йўқ эмас. Агар томдилик қўйчивонлар яйловлар топталиши, шувоқ, каррак, қўнғирбош, саксовул сингари табиий шароитдаги ўт-ўланлар йўқолиб бораётганидан ташвишланса, учқудуқликлар табиат мувозанатига путур етаётганидан, экологик ҳолат яхши эмаслигидан куйинишади.

Хўш, бу ва бунга ўхшаш муаммоларни ҳал этиш учун ким қайғуради? Ким камарбаста бўлолади?! Менимча, ЎзХДП дан номзоди қўллаб-қувватланган Молдабек оғадек ишбилармонлар мазкур чўл минтақаси учун ниҳоятда зарур. Зеро, Молдабек Бердиқабуловичда катта ҳаётий тажриба мужассам. У қатор йиллар давомида маҳаллий ҳокимият ва партия ишларида фаолият кўрсатди. Туман, шаҳар ва вилоят депутатлигига сайланди. Энди эса Олий Мажлис депутатлигига номзод.

Молдабек оға кўппартиялилик тарзида ўтадиган сайловларда етарли даражада овоз олиб, Олий Мажлис депутатлигига сайланса, шубҳасиз, биз, қизилқумликларнинг орзу-истаги амалга ошади, деган ниятдаман.

Ў. ҚЎЗИБОҚАРОВ,
ЎзХДП Учқудуқ туман кенгашининг бўлим мудири.

Абдураҳмон Мансурович НОСИРОВ, 82-Қизилтепа сайлов округи



Ҳаётий кузатувларимдан шу нарса маълумки, мансаб ҳам, лавозим ҳам кишининг обрўсини, жамоа орасидаги ўрнини белгиламайди. Назаримда, Абдураҳмон Носировнинг иззат-ҳурматини жойига қўйган ҳислат — ундаги камтарлик ва ишбилармонликдир. У ширинсухан ва билимдонлиги боис тез орада малакали шифокор сифатида танилди ва туман марказий касалхонаси бош врачлиги даражасига кўтарилди.

Изланишлар, тадбиркорлик самараси бўлса керак, бугунги кунда туманда 214 нафар олий маълумотли врач, 1149 нафар ўрта махсус билимга эга бўлган тиббиёт ходимлари халқ сиҳат-саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Бунинг устига 590 ўринли замонавий асбоб-ускунага эга бўлган янги касалхона қурилиши жадал бошлаб юборилди. Бундан ташқари кўплаб қишлоқ врачлик амбулаториялари, фельдшер-акушерлик пунктлари ишга тушди. Буларнинг ҳаммасида қўли енгил шифокор А. Носировнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Худди шу хизматлар, амалий хатти-ҳаракатлар мезони бўлса керак — у Олий Мажлис депутатлигига номзоддир. Бу ёғи энди сайловчилар ҳукмига ҳавола.

Исмат ЎРОҚОВ,
бош врач муовини, номзоднинг ишончли вакили.

Асрор АШУРОВ, 83-Нурота сайлов округи

— 43 баҳорни қаршилабманки, халқнинг ташвиши, орзу-ўйига шерикман. Қўйчивонлар оиласида туғилиб вояга етганим боис қоракўлчиликни ихтиёр этдим. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг қоракўлчилик куллиётини тугатдиму зоотехник, бош зоотехник лавозимларида ишладим. "Дўстлик", Охунбобоев номли хўжаликларда директор сифатида фаолият кўрсатдим. Айни пайтда эса Нуротадаги пешқадам хўжаликлардан бири "Ғозғон"да жамоа хўжалиги бошқаруви раиси вазифасидаман.

Гап раисликда ёки раҳбарликда эмас, албатта. Мени ўйлантираётган бирдан-бир муаммо оддий меҳнат кишисининг ижтимоий ҳимояси масаласидир. Жун, қоракўл тери, қўзи қоринчаси (ширдон)нинг харид нархи ҳозирча паст. Бу эса яйловдагиларнинг турмуш шароитига таъсир кўрсатаяпти. Яна шуниси ҳам борки, Нурота тоғ тизмалари ва яйловлардаги сув қудуқлари қуриб бораяпти.

Бордию бўлажак сайловларда кишилар номзодимни маъқуллашса, Ўзбекистон ХДП сайловолди Сиёсий дастуридан келиб чиқиб, чўл шароитидаги хўжаликларга табиий газ, тоза ичимлик сув олиб келиш масаласини кун тартибига қўярдим.

Бироқ бу галги сайлов биз ўйлаганчалик осон кечмайди. Зеро демократияга, ошкораликка асосланган бу сайлов ҳуқуқий давлат учун энг содиқ ноибларни танлаб беради.

Зуҳриддин Ғиёсович ФАЙЗИЕВ, 84-Хатирчи сайлов округи

— Номзод сифатида дилдаги гапларни айтгим бор. Ҳа, матбуот саҳифаларини мунтазам кузатиб бораяпман. Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида турли миллат вакиллари ва турли касб эгалари бор экан. Бу ҳам бўлғуси сайловнинг чинакам халқчиллик андозасида ўтишидан далолат.

Менинг ҳам номзодим Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилди. Бу мен учун юксак ишонч, ўз навбатида катта масъулият ҳамдир.

Ишонч ва масъулият эса айтишга осон, ҳолос. Ишончни қозониш, масъулиятни тўлиқ ҳис этиш учун доимий равишда изланиш, тадбиркорлик билан иш тутиш, кишилар манфаати учун курашмоқ лозим. Айниқса, ҳозирги даврда бу муҳим аҳамият касб этади. Чунки, сайловчи бугунги кунда сенинг мансабинг, берган ваъданг учун эмас, балки аввало қобилиятинг, тадбиркорлигинг ва иш билан сўзнинг бирлиги учун овоз беради. Илгариги вақтларда элнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиришлар ҳам бўлди. Янги сайланадиган парламентда бунга йўл қўйилмаслиги керак.

Сайловолди учрашувларда асосий кўпчилик мендан: "Агар сайлансангиз нима қилиб берасиз?", дейишади. Жавобим фақат битта: у ҳам бўлса озод ва обод Ватан учун, тинч ва фаровон ҳаёт учун тиним билмасликдир.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Она-ер ўз эгасини топсин, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилсин!

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан).

Клара Усмановна МУҲИТДИНОВА, 85-Дўстлик сайлов округи

"Она ташвиши — олам ташвиши", деган нақл бор. Дунёга янги келган меҳмоннинг янгроқ овози Кларанинг қулоғига ўрнашиб қолган десак, муболаға бўлмас. Зеро, у ҳар бир мурғакнинг талпинганини кўриб, сасини эшитганда буюк келажагимиз эгаларининг сафи биттага ортди, деб кўнглидан ўтказади. Бунинг боиси бор. Чунки, Клара Усмановна 1967 йили Андижон тиббиёт институтини тугатгандаёқ ўз касбига ошуфта бўлган эди. Вилоят марказий туғуруқхонасининг бош шифокори даражасига эришгунга қадар ўзига хос йўлни босиб ўтди.

Аввалига аёллар 1-маслаҳатхонасига мудир бўлди. Кейин тиббиёт ходимлари касаба уюшмасига бошчилик қилди. 20 йилдан ошибдики, ҳозирги қадрдон жамоада раҳбар. Ўз касбига меҳри ва ташкилотчилиги туфайли шаҳарда тиббиёт муаммоларини ҳал этиш, моддий-техника базани мустаҳкамлашга муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

У изланувчан, айни пайтда талабчан ва камтар. Изланувчанлиги туфайли 1979 йилдан буён қурилиши тўхтаб қолган 100 ўринли туғуруқхонани қиёмига етказиб, ёнига йўлдош бино ҳам барпо эттиришга эришди.

К. Муҳитдинова жамоатчи сифатида оналар ва болалар соғлиғини сақлаш комиссиясига раислик қилмоқда. Шаҳар ҳамда вилоят хотин-қизлар кенгаши, вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси аъзоси сифатида ҳам фаол иш юритяпти. Нияти аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга донр янги, муҳим тадбирларни амалга ошириш.

Ҳакимжон ҲОШИМОВ, 86-Истиқлол сайлов округи

Вилоят сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи Ҳ. Ҳошимов меҳнат фаолиятини 30 йил аввал ишчиликдан бошлаган эди. Кейин Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирди. Икки йил Андижон сув иншоотлари қурилиши трестига қарашли 1-механизациялашган кўчма колоннада механик, 1972 йилда Ўзбекистон сув иншоотларини таъмирлаш ихтисослашган трестининг Намангандаги колоннасида бош муҳандислик қилди. Бу ерда олти йил мобайнида у ўзининг ташкилотчилиги, одамлар билан тил топишиш қобилиятини намоён этди. Талабчан, айни пайтда ғамхўр инсон сифатида кўзга ташланди.

1985-1989 йилларда янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш Наманган вилоят хўжаликлараро кенгашининг бошлиғи вазифасида ишлаб, иқтидори туфайли одамлар қалбидан жой олди. Беш йилдирки, у Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли вилоят сув хўжалиги бирлашмасининг бошлиғи.

Унинг ташаббуси билан сув хўжалиги тизимидаги ташкилотларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди. Чуст туманидаги "Резаксой" насос станциясининг учта тизими, "Ўзбекистон" насос станциясининг 1, 2, 3, "Сувчи" насос станциясининг 2, 3-кўтармалари, Сирдарё насос станцияси каби иншоотлар барпо этилди. Ҳ. Ҳошимовнинг муддаоси она-юртига чин дилдан хизмат қилишдир.

Баҳодир Иминович БОБОХОНОВ, 87-Бобуршоҳ сайлов округи

Унинг ҳузурига кирган аёл болалар боғчасининг носозлиги, кичкинтойлар учун жиҳозлар етишмаслигини айтди. Ўша кунлар Наврўз шабадаси эсаётган пайтлар эди. Директор одамларни ҳузурига чақирди. "Болаларимиз учун саъй-ҳаракат қилсак, керагини сарфласак, фақат савоб бўлади!", деди. Ўша куниёқ боғчага мадад кўрсатилди.

Шаҳардаги 2-автокорхона ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Б.Бобохоновнинг иш куни бундай юмушлар билангина тугамайди.

Биз номзоднинг иш кунларидан баъзиларини тилга олдик, холос. 1985 йили у директорликка ўтгач, корхона қайта қурилди. Маъмурий-маиший бино тикланди. Бинонинг юқори қаватига клуб, қироатхона, жамоат ва бошланғич ташкилотларнинг иш кабинетлари жойлаштирилди. 850 метр узунликда водопровод тармоғи тортилди, газлаштиришга аҳамият берилди. Автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Ишчилар учун сауна-ҳаммом қурилди.

Ҳозир жамоа бозор иқтисодиётига мослашиш мақсадида Толдиқўрғондаги "Қайнар" ишлаб чиқариш бирлашмаси, Красноярск, Ярославль шина, аккумулятор, дизель, аппаратура заводлари билан алоқа ўрнатган.

Номзоднинг нияти — келажаги буюк давлатимизни янада бойитишга қўлидан келгунча ўз ҳиссасини қўшиш.

Карима ИНАМОВА, 88-Сардоба сайлов округи

Наманган тиббиёт билим юрти кекса, айни пайтда истиқболли масканлардан ҳисобланади.

— Ҳар бир битирувчининг орзуси бор, — дейди директор Карима Бойдадаевна. — Шундай экан, упар катта ҳаётда ўзларининг мустақил ўринларини топишса, эл саломатлигини мустаҳкамлашга ҳиссадор бўлишса, қилган меҳнатларимиз зое кетмаганлигини ҳис этамиз.

Унинг бир қатор саъй-ҳаракатлари республика тармоқ ўқув юртларида ўз аксини топган. Ҳали ўзбек тили Давлат тили мақомини олмасдан, унинг ҳаракатлари билан "Физиология" қўлланмаси ўзбекчалаштирилди. "Эпидемиология" қўлланмаси таржима қилинди. Бултур эса "Нормал физиологиядан русча-ўзбекча луғат" китобини нашр эттиришга эришди.

К. Инамова ўн йилдан бери вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртлари директорлари кенгашига раислик қилмоқда. Кенгаш фаолияти республикада намунали деб эътироф этилган. Жамоатчи аёл вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси муовини, Ўзбекистон Республикаси "Олима" аёллар уюшмаси Наманган бўлимининг раиси сифатида ҳам ибратли ишлар қилмоқда. "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси", "Ҳурмат белгиси" ордени нишондори К. Инамова эл соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни камол топтириш ишига астойдил бел боғлаган.

ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

Азамжон МАМАСИДДИҚОВ, 89-Задарё сайлов округи

"Ҳозир партия ташкилотчилари олдида қандай муҳим вазифалар бор?" Саволга дабдурустдан жавоб бериш осонмасдек кўринади. Аммо партиямиз дастурий ҳужжатларини ўрганиш, мазмунига етиш бундан ҳам мураккаброқ саволларга жавоб топишга имкон беради.

Задарё туман партия кенгашининг биринчи котиби Азамжон Мамасиддиқов ўз фаолиятини партияга қатъий ишонч, дастурий ҳужжатларга эҳтиромдан бошлаган. Бир пайтлар у "Гулбоғ" жамоа хўжалигида оддий меҳнаткаш эди. Муаллимлар институтини битиргач, ўқитувчилик қилди. Унинг ёшлар билан ишлаш лаёқати туман ёшлар қўмитасига ишга олинишига имкон берди. Кейин райкомга ишга олинди. Тарғибот-ташвиқот бўлими мудири ўринбосари, ташкилий ишлар бўлими мудири бўлиб ишлади. Сўнг туман партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси, 1991 йилда Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

А. Мамасиддиқов хотин-қизлар юмушини енгиллаштириш, қишлоқ хўжалигига кўпроқ техникани жорий этиш, қишлоққа саноатни келтириш каби долзарб юмушларга қўл урмоқда. Жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Туман фуқароларининг талаб ва истакларини ўрганишда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда изланмоқда. Эл ишига садоқатли номзод ўз эътиқоди билан халқ манфаати, эзгу интилишларига ҳамнафас бўлишни истайди.

Самижон Набиевич ТЕМИРОВ, 95-Шаҳанд сайлов округи

У 1951 йили Ахсида таваллуд топди. Аввал Наманган шаҳридаги ҳисобдонлар тайёрлаш курсини, кейин эса Тошкент халқ хўжалик институтини тамомлади. Меҳнат фаолиятини эса Иесин пахта пунктида монтёрликдан бошлаган. Сўнг Киров номли жамоа хўжалигида кассирлик қилди. "Ўзбекистон ССР 50 йиллиги"—ҳозирги Бобур номли жамоа хўжалиги ташкил қилингач, 1975 йили механизация ҳисобчилигига тайинланди. Орадан тўрт йил ўтиб, бош ҳисобдон бўлди. 1982 йили эса унга катта ишонч билдирилди. Туман қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифат бўйича бош давлат инспекторлигига тайинланди. Орадан тўрт йил ўтгач, РАПО раисининг биринчи ўринбосари лавозимига қўйилди. Яна бир йил ўтиб, Бобур номли хўжалик меҳнаткашлари ўз ҳамкишлоқларини раисликка лозим кўришди.

Раис хўжалик иқтисодиётини ўнглашга зўр берди. Биринчи йили осон бўлмади. 1988-91 йилларда чинакам бурилиш ясалди. Давлат режалари ортиғи билан бажарилди. Даромад миллионларни ташкил этди. Оилавий пудрат усулига ўтилди. Инсон омилига эътибор кучайди. Вилоятда биринчи бўлиб дам олиш маскани вужудга келтирилди. Йўллар асфальтланди. Чойхона, масжидлар барпо этилди. Консервалаш корхонаси фойдаланишга топширилди. Кичик корхоналар кўпайди. Газлаштиришга эътибор кучайди.

Бу йилги мавсумда Самижон Темиров яна "ўтириб" қолган хўжалик — "Соҳибкор"га раис бўлди. Ишлар жонланди. Мўл-кўл узум етиштирилди. Баъзи бригадалар режани 200 фоизга бажардилар. Газлаштириш ишларига қўл урилди. "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик". Ҳа, номзод шаҳарсифат қишлоқларни тасаввур этади.

Тўлқин Султонович ҲАКИМОВ, 98-Учқўрғон сайлов округи

— Учқўрғонликлар яхши билишади: илк бор тарбия ўчоғини ташкил этган, халқ маорифи тизимида биринчи марта муаллимлик қилган кишилар қаторида Тўлқин Ҳакимовнинг ота-онаси ҳам бор эди. Улар қишлоқдаги ўқимишли одам сифатида маориф ишига асос солишган. Ота-она изидан борган Тўлқин тиббиёт олийгоҳини битиргач, Қарши шаҳридаги тиббиёт билим юртида ўқитувчиликдан иш бошлади. 1966 йилдан Учқўрғон шаҳар марказий касалхонаси шифокори, бош шифокор ўринбосари ва бош шифокор сифатида фаолият кўрсатди.

Ташкилотчи, талабчан ва ғамхўр шифокор жамоада эътибор топди. Вилоятда биринчи марта болалар ўлими олдини олиш бўйича хизмат кўрсатиш ҳудудий участкалари тузилди. Болалар ва оналарга тиббий мададни яхшилаш мақсадида кўп тармоқли хизмат жорий қилинди. Касалхоналар ихтисослаштирилди. Тиббиёт ходимлари малакаси кўзланган даражага етди. Ҳозир 47 ҳаким, 23 та ўрта тиббиёт ходими олий ҳамда биринчи тоифага эга. Кўплаб бинолар қурилмоқда.

— Эндиликда шифокорлар масъулияти ошган. Боиси, "Соғлом авлод учун" шиорига аввало биз жавоб беришимиз керак. Бунинг учун боғчаю мактаблар ва соғломлаштириш масканлари ҳар жиҳатдан хайрли ишлар учун мослаштирилиши лозим. Эл соғлиғи — юрт бойлигини ошириш йўлида камарбасталик қилишни бурчим деб биламан, дейди номзод.

Ёқубжон ОТАМИРЗАЕВ, 90-Косонсой сайлов округи

Халқимизда "Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл", деган ҳикмат бор. Дарвоқе, ўзбек маҳаллалари ҳақида гап кетганда, Косонсой туманидаги "Тергачи" қишлоқ фуқаролари йиғини ҳақида кўпроқ фикр юритишади. Бу ерда Ёқубжон Отамирзаев оқсоқоллик қилмоқда.

У меҳнат фаолиятини 40 йил аввал 68-мактабда бошлаган эди. Ўқитувчи, илмий бўлим мудири бўлди. 1971 йилда 66-мактабга директор этиб тайинлашди. 1973 йилдан бошлаб эса жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти котиби вазифаларида ишлади. Кейин туман партия ташкилотига партия комиссияси раислигига ишга олинди. Истиқлолдан кейин қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси бўлди. Боиси, биров оқсоқолнинг насиҳатини олади, бошқаси кўнглини ёзади. Буларнинг ҳаммаси билан муомала қилиш, муаммоларни ҳал этиш оқсоқолнинг зиммасида. Албатта, оқсоқол бундай суҳбатлар билан чегараланмайди. Қишлоқни бош режа асосида ободонлаштиришга, мактаб ва болалар боғчалари, гузарларнинг файзли бўлишига аҳамият беради. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, газ келтириш, ичимлик суви билан таъминлаш юмушларига бош-қош. Айниқса, қишлоқда қадимий расм-русумлар, анъана ва қадриятларни тиклаш, айни пайтда соддалаштириш, хусусан, кам чиқим йиғин ва тўйларни ташкил этиш тарафдори. У ном чиқаришга шайланган дабдабали тўй соҳибларини тартибга чақириб туради. Барча ишларида: "Биз — ягона оила фарзандларимиз" туйғуси устивордир.

Одилжон МАМАЖОНОВ, 99-Чортоқ сайлов округи

"Партия ерни мерос қилиб қолдириш шарти билан ижарага ёки муддатсиз шахсий фойдаланишга бериш тарафдоридир. У, ширкат, давлат, жамоа, фермер ва якка тартибдаги деҳқон хўжаликларининг тенглигини ёқлайди". "Партиямиз дастуридаги бу фикрларга эътибор беринг. Булар менинг эзгу муродим," — дейди Чортоқ туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси.

Дарвоқе, Одилжон қайси лавозимда ишламасин, кўпроқ аграр тармоққа меҳр қўйди. Агросаноат тизими бўғинлари кўпгина соҳаларида ҳалол ишлади. Йил бошидан бери фермер хўжаликлари ташкил этиб, уларнинг оғирини енгил қилиб келмоқда. Хўжаликларда муаммоларни ечиш, маҳсулотларни кўпайтиришга эътибор қилади:

Ҳозир туманда 67 фермер хўжалиги бор. Шундан 51таси чорвага, еттитаси деҳқончиликка, 9таси боғдорчиликка ихтисослаштирилган. "Барака", Жўра Ҳакимбоев номли, "Мамажон" фермерларининг ишлари ўнгидан келмоқда. Уюшма хўжаликлари 724 гектар ер майдонига эга.

Мамлакат миқёсида ҳал қилиш зарур бўлган масалалар давлат ҳокимияти идоралари орқали ечимини топиши йўлида изланмоқда. Чунки маҳсулот ишлаб чиқарилмас экан, ҳеч қачон элимиз тўқ ва фаровон бўлмайди. Шунинг учун ҳам номзод эл дастурхонини тўкин бўлиши қишлоқ тадбиркорининг саховатига боғлиқ, деб билади.

Қутбиддин Исоқович ҚОСИМОВ, 91-Тошбулоқ сайлов округи

— Бу номзоднинг фазилати талайгина. Халқ билан ишлай олади. Ишнинг кўзини билади. Тадбиркор. Мутахассисларга ўз тармоқлари бўйича мустақил ҳаракат қилиш ҳуқуқини берган.

Наманган туманидаги Қозоқжон Солиев номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Ортиқмирза Солиевнинг хўжалик раҳбари ҳақидаги эътирофи жўялидир. Ҳақиқатан ҳам Қ. Қосимов меҳнат билан эътибор топмоқда. У Тошкент халқ хўжалиги институтини битиргач, молия бўлимида назоратчи-тафтишчи вазифасида ишлади. 1985 йилда "Хонобод" жамоа хўжалиги бошқаруви раислигига сайланди. Режани юз қилиб, юзи ёруғ бўлди. Йил якунидаёқ туман агросаноат уюшмаси раислигига ўтказилди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги экинлари уруғининг сифатига алоҳида аҳамият берди. Иқтисодий ислоҳотлар ўтказишга ҳаракат қилди. Тўрт йилдирки, ҳозир ишлаётган хўжаликка бош.

Бу жамоа вилоятдаги уруғчиликка ихтисослашган хўжаликлардан бири. 1400 гектар ери бор. Шундан 800 гектарига чигит экилади. 34 ўрнига 38 центнердан ҳосил олинди. Нега айнан шу хўжалик уруғчиликка ихтисослашган, деган савол туғилиши табиий. Хўжалик даромади юксалиб бормоқда. Одамларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Қишлоқлар ободонлашмоқда, Яқинда у уруғчилик бўйича АҚШда 21 кунлик сафарда бўлди. Ҳамиша обод қишлоқлар, турмуш фаровонлиги, эл соғлиғи ҳақидаги ширин хаёллар оғушида юради.

Нурдинжон Мўйдинхонович ИСМОИЛОВ, 96-Уйчи сайлов округи

— Вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи Нурдинжон Исмоилов хўжалигимизга вакил бўлиб келди. Унинг қатъияти ва маданиятидан таъсирландим,— дейди Учқўрғон туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Маматхон Алихонов.

— Нурдинжоннинг номзод бўлиши ҳам истиқлол шарофатидан дейиш мумкин. Унга овоз бериш керак,— дейди адлия тизими фахрийси Чаман Матмусаев.

— Исмоилов ажойиб инсон. Уч-тўрт марта ҳамсуҳбат бўлганман. Буни қарангки, бир округда "тортишар" эканмиз...— дейди ВТП номзоди, профессор Аҳмаджон Солиев.

У Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини битиргач, Янгиқўрғон туман прокуратурасида иш бошлади. Чуст туманлараро прокурорининг ёрдамчиси, Учқўрғон туман прокурори ёрдамчиси, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси. 1985 йилдан Уйчи тумани прокурори бўлиб ишлади. Беш йилдирки, вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасининг бошлиғи.

Билимдон ҳуқуқшунос, малакали мутахассис, покиза ниятли инсон. У қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида вилоятда кўпгина тадбирларни ўтказиш ташаббускори. Айниқса, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг амалда бажарилиши жонкуярларидан. Одил судловнинг тўғри олиб борилишини таъминлаш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида тажриба тўплаган.

Н. Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунини ишлаб чиқиш бўйича тузилган комиссиянинг аъзоси сифатида фаол қатнашди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқий давлат барпо этишда жамият ҳар бир аъзосининг иштирокини таъминлаш, қонун устиворлигига итоат этиш тарафдорларидан. Муддаоси демократия — ҳаётимизнинг сиёсий шиори, ҳуқуқ ва бурч уйғунлигига эришишдир.

Жўрабой СОЛИЖОНОВ, 100-Камарсада сайлов округи

— Аниқ эсимда йўқ,— деб ҳикоя қилади партия ва меҳнат фахрийси, Меҳнат Қаҳрамони Маматхон Бобохонов.— Назаримда, собиқ партиянинг съездларидан бирида нотиқлардан бири сўзга чиққанди. Мавзу жиноятчилик ҳақида борганда у: "Безорилар Чуст пичоғи билан одамларга жароҳат етказишмоқда, пичоқ ишлаб чиқариш ва уни тақиб юришни man қилиш керак", деган эди.

Кейинроқ Ш. Рашидов Чустга келдилар. Столга ошхона пичоғи қўйилган эди.

— Чуст пичоғининг донгини эшитамиз-у, ўзини кўрмас эканмизда...- деди у киши.

— Съезд кўрсатмасига амал қиляпмиз-да, Шароф ака. Мен шу нарсага қойил эмасман. Биров бировга қасд қилса, Чуст пичоғини излаб юрадими, ахир. Бу миллий мерос, қадриятимиз эмасми...

— Отангизга раҳмат. Тўғри айтдингиз. Йигитларимиз уни мардлик белгиси сифатида тақиб юришган. Ота-боболар эса пичоқни ярим ризқ деб аташган.

Ишлаб турган Чуст миллий пичоқлар заводи шундай барпо этилганди. "Чуст пичоғи" ҳиссадорлик жамиятига ҳозир Жўрабой Солижонов раислик қилмоқда. Унинг даврида корхонанинг иккинчи навбати қурилди. 240 ишчи меҳнатга жалб этилди. Жами ишчилар 320 дан ошиб кетди. Номзоднинг нияти холис, бой маънавий меросимизни тиклаш, айни пайтда халқ амалий санъати даражасига кўтарилган азалий ҳунармандчиликни янада ривожлантиришдан иборат.

Аҳмаджон МАМАТОВ, 92-Норин сайлов округи

Эл оғзида гап: "Бу йил норинликлар ишни беш қилишди". Боиси, кейинги йиллар давлат режа ҳамда топшириқларини базўр бажариб келаётган туман биринчи бўлиб зафар марраси етган эди. Бундай ўсиш Норинда яқин йилларда кузатилмаган. Бу муваффақиятда А. Шамситдинов номли жамоа хўжалигининг муносиб ҳиссаси бор. Жамоага ХДП аъзоси Аҳмаджон Маматов етакчи.

А. Маматов интизом борасида аввало ўзи ибрат кўрсатди. У ширин сўз ва меҳрибон. Синчков ва маҳоратли мутахассис. Иш фаолиятини деҳқончиликдан бошлагани учун ҳам қишлоқни яхши билади. Саккиз йил мобайнида бош зоотехник, партия қўмитаси котиби вазифаларида ишлади. Сиёсий билимини ошириш учун Боку олий партия мактабида таҳсил олди. Кейин туман агросаноат уюшмасига раислик қилди. Унинг ташкилотчилигини эътироф этиб, хўжалик бошқаруви раислигига лозим топишди.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, чорвачиликни ривожлантиришга бел боғлади. Аҳолини газ, ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида ўйлаяпти. Бошқарув раиси сифатида хўжаликда ёрдамчи корхоналар ташкил этишга ҳам жазм қилган. Бугунгача 30дан ортиқ кичик корхона ишга туширилди! Уларда 150дан ортиқ киши иш билан банд. Қишлоққа саноатни олиб келиш, етиштирилган ҳосилни шу ернинг ўзида қайта ишлаш йўлида ҳаракат қилмоқда. У ҳар бир оиланинг тўқ ва бадавлат бўлиши ҳақида ўйлайди.

Эркин Деҳқонбоевич МАДАЛИЕВ, 101-Чуст сайлов округи

Чустда деҳқончилик илмининг соҳиблари борлигини кўпчилик яхши билади. Суғоришнинг "Чуст усули" деган ибора ҳам ҳаммага маълум. Ўз юртдошларининг ана шундай савобли тадбирларини давом эттираётганлардан бири Эркин Мадалиевдир. Ҳозир у "Москва" жамоа хўжалиги бошқарувига раислик қилмоқда.

Рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, хўжалик ихтиёридаги 1400 гектар ер 44 деҳқон фермерга бўлиб берилган. Кейинги тўрт йилда етиштирилган пахтани хўжалик ўзи қайта ишлаб, давлатга сотмоқда. Бу йилнинг ўзида 280 тонна пахта толаси хўжалик ихтиёрида қолди. 511 гектар майдонга сепилган кузги буғдой эртанги ризқдан нишонадир. Учта тегирмон, ёғ ишлаб чиқариш цехлари ишлаб турибди.

У 1964 йилда Андижон пахтачилик институтини муваффақиятли битирди. Беш йил туман қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш корхонасида бош муҳандис, устахона мудири, кейин "Чуст" жамоа хўжалиги бош муҳандиси бўлиб ишлади. 1980-87 йиллар ичида юқорида тилга олинган корхона бошлиғининг ўринбосари, корхона раҳбари вазифаларида ишлади. Етти йилдирки хўжаликка бош.

Э. Мадалиевнинг ахлоқ ва одоб мавзусидаги қарашлари, юртимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат бобидаги ишонч билан айтган гаплари кўпчилик қалбига етиб бормоқда.

Ғафуржон Алижонович ҚЎЧҚОРОВ, 93-Поп сайлов округи

Поп — вилоятдаги йирик туманлардан. "Қуштепа" жамоа хўжалиги ҳам шу туманда. Унга Ўзбекистон ХДП аъзоси Ғафуржон Қўчқоров раислик қилади.

— Хўжаликда қандай иш қилмайин, бу менинг бурчим, деб биламан. Раҳбар эканман, эл ташвишида юришим керак, — дейди у. Оддий тракторчиликдан иш бошлаган Ғафуржон хўжаликда бош хазиначи, бригада бошлиғи, бўлим бошқарувчиси бўлди. Ишончи оқлади. Икки йилдирки, у етакчилик қилаётган жамоа давлат режаларини кўрсаткичлар бўйича уддалаб келмоқда. Дон, пахта тайёрлаш ва сотиш ишлари ҳам жойида. Хусусан, пахта тайёрлаш 130 фоизга етди. Жамоа чорвачилиги сердаромад соҳага айланмоқда.

Қишлоқда бирон таклиф ё муаммо юзага келдими, одамлар хўжалик раисига юзланишади. Бу ҳам раҳбарга ишончдан нишона.

Унинг асосий хислати жамоат ишларидаги фаоллигидир. Хусусан, туман партия кенгаши аъзоси сифатида топшириқларни сидқидилдан бажаради. Бир йил ичида хўжаликда ХДП аъзолари сафи 40 нафарга ортгани ҳам шундан. Ғ. Қўчқоров деҳқончилик илмини яхши билади. Шунга қарамай, малакасини ошириш учун Наманган қишлоқ хўжалик колледжининг агрономлик куллиётини, кейин Тошкент халқ хўжалик институтининг иқтисод мутахассислиги курсларини тамомлади. Номзоднинг битта режаси бор, у ҳам бўлса, саноатни қишлоққа кўпроқ жалб қилиш.

Турдали САТТОРОВ, 97-Ўнҳаёт сайлов округи

Уйчиликлар хонадонига файз киритувчи бир корхона бор. Кўплаб ишсизларни бағрига олган бир жамоа бор. Ўзбек қизларининг гўзаллигини минг чандон оширган бир газлама бор. Буларнинг бари шу тумандаги "Ипакчи" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига дахлдордир. Бу корхонага кўпни кўрган, тажрибали, тиниб-тинчимас одамлар раҳбарлик қилишади. Шулардан бири бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Турдали Сатторовдир.

Меҳнат фаолиятини оддий ҳайдовчиликдан бошлаган бу инсон шу корхонада улғайди. Лекин у тўқимачилик касбининг номи енгил саноат билан боғлиқ бўлса-да, меҳнати оғирлигини яхши ҳис этади. Шу боис у жамоада и жойларини ташкил қилиш, қўл меҳнатини енгиллатиш, дам олишни тўғри уюштиришга кўпроқ эътибор қилади. Унинг раҳбарлигида маданий-маиший иншоотлар вужудга келди. Илғор фан ва техника ютуқлари жорий қилинди, меҳнат унумдорлиги ўсди.

Т. Сатторов ХДП туман кенгаши ижроия бюроси аъзоси. Унинг жамоатчилиги ҳақида сўз кетганда туман кенгашининг биринчи котиби Жамолиддин Комилов илиқ гапларни айтади:

— Турдали ўзига, бошқаларга ҳам талабчан. "Партия сафини ўстириш керак, лекин кўпроқ аъзоларимизнинг сифатига эътибор берайлик", — дейди у. — Одилона фикр. Сиёсий партияда бўлишни истовчилар кўп. Аммо уларнинг лаёқати ва иқтидори ҳақида ҳам ўйлаш керак.

Котиб айтмоқчи талабчанлик ҳам фазилат. Гапга чечан бўлса-ю, ишининг мазаси бўлмаса, "бундай қиламан, ундай қиламан" десаю, кўпчилик учун жон қойитмаса, зиммасидаги юкни кўтариши қийин кечади. Шу боис, номзод халқчил бўлишга, одамлар ташвиши билан яшашга аҳд қилган.

Абдулҳафиз Мараҳимович ЖАЛОЛОВ, 102-Янгиқўрғон сайлов округи

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов 1947 йили таваллуд топган. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Бирлашган қишлоғидан. Тошкент дорилфунунини битирган. Фалсафа фанлари доктори. Чегара қўшинлари сафида, застава бошлиғининг ўринбосари лавозимида, зобитлик хизматини ўтаган. Меҳнат фаолиятини ТошДУ фалсафа кафедрасида ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий ходим, Республика жисмоний тарбия институтида фалсафа кафедраси мудири, Тошкент ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институтида доцент, директор ўринбосари, шунингдек, партия марказий органларида лектор, лекторлар гуруҳининг раҳбари, бўлим мудири ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Истиқлол меваси — Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топгач, мазкур партия Марказий Кенгаши матбуот, ахборот ва тарғибот бўлимини бошқарди. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институтида бўлим мудири бўлиб хизмат қилди. 1993 йилнинг июнь ойида ЎзРФА И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти директори этиб тайинланган. У, айни пайтда, Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази раҳбарининг муовини ҳамдир.

Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов 1993 йил ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи, шу йилнинг августида эса биринчи котиби этиб сайланди.

Иброҳимжон Юнусович ЮСУПОВ, 94-Тўрақўрғон сайлов округи

Шаҳар тун оғушида. Фақат бир деразада ёруғлик кўзга ташланади. У профессор Иброҳимжон Юнусовичнинг хонадони. У эртага бўлажак илмий кенгаш ёхуд талабалар машғулотига ҳозирлик кўрмоқда...

Наманган давлат университети ректорининг ташқи муносабатлар ва иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари сифатида ижодий меҳнат билан банд инсоннинг фаолияти кўпинча ана шундай кечади. У Тошкент чет тиллар олийгоҳини тугатди. Политехника институтида ўқитувчи, кейин собиқ Иттифоқнинг Гвинея республикасидаги элчихонасида таржимон бўлди. 1974-1977 йилларда шарқшунослик институтининг халқаро муносабатлар бўлимида аспирант, собиқ Иттифоқнинг Мали республикасидаги элчихонасида ходим, сўнг яна Шарқшунослик институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади. Ҳозир ўн йилдирки, Наманганда.

И.Юсупов тарих фанлари доктори, халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати, ЎзХДП Марказий Кенгаши ва вилоят кенгаши ижроия бюросининг аъзоси. Унинг 50дан ортиқ илмий тадқиқот ишлари собиқ Иттифоқ, республика ва халқаро миқёсдаги журналларда чоп этилган. Иккита монографияси "Фан" ва "Ўзбекистон" нашриётларида босилган. У вилоят илмий-маърифий знёлилар уюшмасининг раиси сифатида меҳнаткашлар орасида бўлиб туради. Ўз маърузалари билан хукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий ислоҳотлар, истиқлол мафкурасини кенг тарғиб қилмоқда.

Собиржон ОТАЖОНОВ, 103-Заркент сайлов округи

Муаллимлик касби мураккаб ва шарафли. Улар сабр-тоқатли бўлишади. Бу хислат умрини халқ маорифига бахшида этган меҳнат фахрийси Собиржон Отажоновга ҳам хосдир. У ҳозир Янгиқўрғон туманидаги 30-мактабда директор. Камтар ва билимдон, тўғрисўз ва холис раҳбар туманда эътибор топган. Унинг мақсади ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

У меҳнат фаолиятининг асосий қисмини халқ таълимига бағишлади. Мактабда муаллимлик, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, ҳарбий таълим ўқитувчиси, мактаб директори бўлди. Қишлоқ ҳаёти, одамлар турмушини яхши билади. "Заркент" қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби, "Заркент" давлат хўжалигининг директори ўринбосари бўлиб ҳам ишлаган.

ХДП туман кенгаши ижроия бюроси аъзоси сифатида ёшларга миллий истиқлол мафкурасини сингдириш, келажаги буюк давлат ворисларини тарбиялашга ҳиссадор бўлишга ҳаракат қилади. Тажрибали муаллим С. Отажонов соғлом авлодни тарбиялаш мактабларда замин ҳозирлашдан бошланишини яхши билади. У қишлоқ кўчаси бўйлаб одимларкан, шогирдларнинг ҳурмат билан салом беришлари, "устоз" дейишларини ўзи учун ажиб бир мукофот деб билади.

Материалларни "Ўзбекистон овози" махсус мухбирлари Ҳайдар НОСИРОВ ва Раҳимжон ИРИСОВ тайёрлашди.

Ўзбекистон — сеҳрли диёр

БУ ТОҒЛАР, БАЛАНД ТОҒЛАР

Юртимизнинг мафтункор ва маҳобатли гўшаларидан бири — навқирон Жиззах вилояти ҳудудида жойлашган Зоминдир. Гарчи унинг маъмурий бўлинма сифатида туман бўлганига эндигина 70 йил тўлаётган эса-да, бу қўҳна замин тарихи нечанеча асрлар билан ўлчанади. Ҳали араблар диёримизга келмасидан олдин Зомин деган манзилгоҳ яшнаганлиги ҳақида тарихий маълумотлар мавжуд.

Зоминнинг бугунги салномасини битаётган замондошларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга чин маънода ҳавас қилгинг келади киши. Ота-боболарнинг шонли тарихий йўли, мардлик ва тантилигидан иборат фазилатлар-ла яратилган анъана, пешона тери билан суғорилган табаррук тупроқ — булар бари Зомин фарзандлари учун бебаҳо меросдир. Энг аввало Яратганнинг ўзи бу ернинг одамларидан саҳоватини аямаган: пурвиқор тоғлару зилол чашмалар ёзнинг жазирамасида барчани ўзига мафтун этади. Қолаверса, Зоминнинг номини эларо таратаётган ана шу ўлканинг қадоқ қўлли деҳқону чорвадорлари.

Ватан остонадан бошланади. Бу ерда эл ичра ном таратиб қаҳрамонлар сафидан жой олган мўътабар зотлар хотираси муносиб эъзозланмоқда. Уларнинг номи бугунги кунда бутун-бутун хўжаликлар атамасида мангу муҳрланган, қадрдон сиймолари бюстлар шаклида салобатли турибди. Улардан бири — бутун умрини Мирзачўл ва Жиззах пахтазорларига, Бахмал боғларига сарфлаган Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Холматовдир. Бу инсоннинг таржимаи ҳоли чинакамига қаҳрамонона сатрлардан иборат. Эргаш Холматов деганда эндиликда якка бир киши эмас, балки эллигинчи-олтмишинчи йилларни меҳнат жабҳаси қайнаган нуқталарда ўтказган бутун бир авлод тушунилади. Ҳа, у ёлғиз эмасди, ўзида одамларни ортидан эргаштиришдек истеъдодга эга бу оқсоқол билан чўлқуварлар қўшини саф тортиб турарди. Зотан, бир жангчи урушда ҳеч нарсани ҳал қилмагани каби Эргаш Холматовни мамлакатга танитганлар ҳам ўнлаб, юзлаб зоминликлар эди.

Худди шундай қаҳрамонона йўлни босиб ўтган, ўз даврида "Мирзачўл маршали" деган таърифга сазовор бўлган инсон Саттор Усмоновдир. Бугунги кунда ҳам ўз тажрибасини ёшларга баҳам кўраётган бу оқсоқол ҳақида латифанамо гап тарқалганига ўттиз йилдан ошди. Бу ҳангомани у даврларда ёзиб бўлмасди, ҳозирги ошкоралик шарофати билан газетхонларга ҳикоя қила қолайлик. Айтишларича, Саттор Усмонов чўл туманларидаги хўжаликлардан бирига директор экан. Йиллик марра ошиғи билан бажирилган, асл деҳқон келгуси йил ҳосилини ўйлаб шудгорлашни бошлаб юборибди. лекин ҳали вилоят режани бажармаган экан. Ўжар директорнинг бу ҳаракати вилоят раҳбарини жиғийбийрон қилибди. Тоталитар тузум анъанасига кўра, Саттор Усмоновни "биринчи"нинг шахсан ўзи ишдан олиб ташлабди. Бу "бахтсизлик"дан сўнг Саттор аканинг яқинлари кўнгил сўрагани келишса, пинагини бузмасмиш. Хотиржамликнинг сабаби икки-уч кундан кейин аён бўлибди. Йиллик режани бажарганлиги учун шахсан Саттор Усмонов номига Москвадан — энг катта раҳбар имзоси билан табрик телеграммаси келибди. Ўша давр таомилига кўра, хўжаликда тантанали митинг ўтказиладиган бўлибди. Унда вилоятнинг ҳалиги каттаси қатнашиб, тарихий телеграммани ўз эгасига — "собиқ" директорга шахсан "ўзлари" топширибди.

Шундан кейин ҳам Саттор ака бир неча чўл хўжаликларида ишлади. Зоминга қайтишидан олдин Арнасойни обод қилди. "Маршаллик унвони"ни маршаллар номи тумандаги хўжаликларга берилганда олди.

Арнасой ҳақида гап кетганда Зоминнинг яна бир чинори —. Аҳад Соибназаров таърифини келтирмаслик инсофдан эмас. Алп қоматли бу инсон Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида ишларди. 1974 йили Жиззах вилояти ташкил топганда Қаҳрамон райком Саид Мамедович Тоиров билан янги манзилни кўзлади. Дастлаб вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасида бошлиқ бўлди. Янги тузилган Арнасой туманининг оёққа туриши қийинлашганда бу ерга ишга келди. 1980 йилда туман йиллик режани октябрнинг ўртасида бажаргани бевосита "биринчи"нинг меҳнати сифатида қайд этилди. Аҳад акани ўз туғилган тумани — Зоминга таклиф этишди. Қизиқ бир ўхшашлик: Эргаш Холматов, Саттор Усмонов, Аҳад Соибназаров — булар ҳаммаси йигитлик умрининг айни қайноқ палласини бошқа жойларга сарфлашиб, фидойи меҳнат билан элга танилгач, бой ҳаётий тажриба тўплагандан сўнг Зоминга қайтишган. Бу сиймолар учун нафақат Зомин, бутун Ўзбекистон Ватан эди. Уларнинг ҳар бири деҳқончиликда, хўжалик юритиш маҳорати бобида ўз академиясини яратишган. Зоминдан чиққан дарғалар эккан дарахтлар бугунги кунда чўл туманларида шиғил ҳосил бермоқда. Бу сўзни ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам тушунишингиз мумкин. Устозлар анъанасига содиқ қолган — шу йилгача Зарбдор туманида ишлаб келган қирқ икки яшар ҳоким Шуҳрат Абдуғаниев ҳам ўзини юқорида номлари тилга олинган дарғаларга шогирд санайди. Устозларингиз шуҳрати Сизга эш бўлсин, Шуҳрат Ўсарович!

Зоминнинг чўл қисмида "Янги ҳаёт" деган хўжалик бор. Исми жисмига монанд, мустақиллигимизнинг рамзи. Унга Аҳмад Мажидов раҳбарлик қилади. У ҳам Арнасой туманида қўриқ ерларни ўзлаштиришда қатнашиб, чўл мактабини ўтаганлардан. Унинг бу хўжаликка бош бўлганига эндигина икки йил бўлди. Бироқ шу икки йилда хўжаликни бутун вилоятга танитди. Кўпчилик хўжаликлар об-ҳаво қийинчиликларию, турли иқтисодий тангликларни рўкач қилишиб, режаларни барбод қилаётган бир пайтда бу ерда маҳсулот етиштириш муттасил кўпаймоқда. Иқтисодий ислоҳотлар дадил амалга оширилаяпти. Ишбилармон, уддабурон одамлар учун ҳеч нарса тўсиқ бўлолмас экан!

Шу хўжаликка қўшни Абдулҳай Тоиров номли ширкатлар бирлашмаси ва унинг раҳбари Абдушукур Раҳмонов ҳақида ҳам шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

Мустақиликка эришганимиздан сўнг юртдошларимизда миллий ифтихор, ватанпарварлик туйғуси зарур фазилат бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Негаки, айни шу хислат инсонни бунёдкорлик меҳнатига чорлайди, янги уфқлар сари ундайди. Бу ерда ана шу фазилат азалдан таркиб топганлигини алоҳида таъкидлагим келади. Бундан уч йил муқаддам Зоминнинг Оқтош адирликларида ўтказилган кўпкарининг гувоҳи бўлгандим. Ғалаба иштиёқида кўзларидан ўт чақнаган чавандозлар шижоати мени ҳайратга солганди. Улоқни маррага олиб келган полвоннинг номига қишлоғи ҳам қўшиб эълон қилинарди. Ана шу дақиқаларда нафақат чавандозлар, ишқибозлик қилиб турганларнинг қувончини кўрсангиз эди. Шодликдан терисига сиғмай сакраётган йигитчадан сўрадим: "Ғолиб сенинг аканг бўладими дейман?" "Ҳе, нима деяпсиз, у минган отни қишлоғимиздаги Турдибек ака кўпкарига тайёрлаган" деса бўладими? Мана ифтихорнинг бир кўриниши. Ҳаётда ҳам ўзаро аҳил, иноқ ҳамқишлоқлар ўз гўшалари билан чексиз фахрланишади. Қалбида орият туйғуси жўш урганидан бу! Уларнинг ғурурини у ердаги юксак тоғ чўққиларига қиёслаш мумкин.

Дарвоқе, шу тоғлар тўшида ястанган Зомин супаси ҳақида. Бу хушманзара масканга етиб бориш учун лашган бу жаннатмакон гўшаларда нафас олиш йўллари хасталанган беморлар фақат ҳавонинг ўзидан ҳаётбахш шифо олишади. Ҳа, бу ерга қадами етган бемор бир кеча-кундуздаёқ эркин нафасдан роҳатланади. Сиҳатгоҳдан сал юқори кўтарилсангиз, ажиб бир шаршаранинг олдидан чиқасиз. Бу ерга нафақат Ўзбекистондан, олис хориждан ҳам сайёҳлар келиб туришибди. Ана муқаддас заминнинг шарофати билан Зомин номи жаҳон сайёҳлик харитасига битилган. Шароф Рашидов тамал тошини қўйган Зомин миллий боғи бугунги кунда ишончли қўлларда эъзозланмоқда.

Бу йил Зоминда яна бир обида қад ростлади: у туманнинг рамзий дарвозасидир. Ажиб бир меҳр билан, она тупроққа фахр билан қурилган бу дарвоза. Унинг очилиш маросимида оқсоқоллар дуо қилишди: илоҳим, бу дарвозага фақат эзгу ниятли кишиларнинг қадами етсин! Иншоолло, шундоқ бўлғусидир.

Зоминда ноёб неъматлар, дилтортар масканлар кўплаб учрайди. Лекин уларичра энг аълоси — ҳалол, фидойи меҳнати билан эл-юрт бойлигини кўпайтираётган одамлардир. Шу жойларнинг қайроқи буғдойи тегирмонга тортилиб, ширмой нонга айланмоқда. Чўғ бўлиб шўъланаётган оловда қизариб пишган нон бутун ҳаёти меҳнат жабҳасида ўтаётган одамларнинг офтобжамол сиймосидан ранг олгандай. Таъзим сизга, элимизни тўйдираётган азаматлар! Ҳимматингиз, меҳнатингиз таърифига сўз етишмайди. Аҳилликда, шижоатда сизларни Яратганнинг ўзи қўлласин! Кўк билан бўйлашган виқорли тоғлар ҳамиша ғурурли элнинг рамзи бўлиб қолаверсин!

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси лауреати.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 5

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ислоҳот ва масъулият".
18.40 "Осойишталик посбонлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 ЎзТВ фондидан. "Олтин водий куйчиси". Фильм-концерт.
19.50 "Олий таълим — янгиланиш йўлида".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Конституция: сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари".
21.40 Адлия вазирлигининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча ва концерт. "Туркистон" саройидан ёзиб олинган.
22.35 Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига, "Руҳ . Ҳужжатли фильм.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Полопон".
18.55 — 21.25 Адабий-бадиий видеоканал:
— "Ойна".
— "Фалакнинг гардиши".
— "Студиямиз меҳмони".
— "Шунчаки саргузашт".
21.25 — 23.00 "Белорус вокзали". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Иқтисодиётимиз таянчи".
"ОМАД" таништиради:
20.05 "Совға".
20.35 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
20.50 "Таҳлил". Газеталар шарҳи.
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео-"О".
22.35 Эълонлар.
22.40 "Курьер".
23.00 "Яна об-ҳаво ҳақида".
23.15 — 23.25 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳамманинг тилида".
18.30 "Эҳтиёт бўлинг, "СПИД". Муаммоли репортаж.
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср.Фон Кароян.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Тарих жумбоқлари". 1-қисм. Кўрсатувни Э. Радзинский олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 А. И. Солженицин билан учрашувлар.
21.55 "Тарих жумбоқлари". 2-қисм.
22.35 — 22.50 "Спорт уик-энди".

СЕШАНБА, 6

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Баъзида эслаб қўй". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
11.40 Немис тили.
12.00 "Ислоҳот одимлари".
12.30 Чолғу куйларидан концерт.
13.00 Юнон-Рим кураши бўйича С. Раҳимов хотирасига бағишланган турнир.
13.40 — 13.55 "Булоқ к з очса...".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Кўғирчоқлар — менинг дўстларим".
18.40 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Ўзбекона лутф". Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ғаллазорлар пайҳон бўлмасин".
21.30 Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча. Республика Киночилар уйидан ёзиб олинган.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Бу сир эмас".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.00 Видеогид.
20.20 "Теле-ателье-шоу".
20.30 "Эм-Ти-Ви оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Ислоҳот ва муаммо".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 "Вариацияли мавзу".
22.25 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.40 "Ён қўшним - жон қўшним".
23.15 — 23.30 "Мусиқали саёҳат".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Қўҳна майдон сирлари".
18.30 "СБ" жумбоғи".
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Ж. Кусто.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 "Қўшиқ-94".
22.35 — 23.05 "Гол".

ЧОРШАНБА, 7

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Бир куну бир умр". Бадиий фильм.
10.20 "Саҳродаги қўриқхона". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 Футбол майдонларида.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
12.00 "Юрагим Хивада қолди". Концерт.
12.40 Инглиз тили.
13.10 — 14.50 "Ёшлик" видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Санъат ғунчалари".
18.35 "Фармон ва ижро".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Диёр мадҳи". Концерт.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Хотира". Хайриддин Салоҳ.
21.45 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ҳамда санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти.
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Бумеранг".
19.00 "Халқ саломатлиги йўлида".
19.45 "Мусиқий меҳмонхона".
20.45 "Тошкент оқшомида".
21.45 — 23.45 "Сочидаги тунлар". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Имконият излаб".

*

20.20 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.10 — 00.10 "ОМАД" таништиради: "ҚИТЪА СПОРТИ".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг".

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. "Мулоқот".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Е.Патон.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Сени муҳаббатга раво кўраман..." Н. Караченцов.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Даракчилар".
22.10 Бадиий фильм.

ПАЙШАНБА, 8

ЎзТВ I

7.00 — 01.00
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИНГ 2 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН УЗЛУКСИЗ БАЙРАМ КЎРСАТУВЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.50 "Бир шингил ҳангома".
19.05 "Тумор".
19.15 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.35 "Теле-ателье-шоу".
19.45 Видео янгиликлари.
20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.50 — 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.50 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Ёдингдами, дўстим".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
20.35 Бугун — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни.
20.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
21.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.45 — 23.35 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Пари Сен-Жермен" (Франция) — "Спартак" (Москва).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг".

***

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Франц Иосиф.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Овация" таништиради...
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 Шахмат олимпиадасида.
21.50 Баскетбол. Клублар ўртасида Европа чемпионати. Эркаклар. МАСК — "Скаволини" (Италия).
22.40 — 23.00 "Москва - Кремль".

ЖУМА, 9

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Эртаклар тарк этган дара". Бадиий фильм.
10.20 "Соғлом авлод учун".
10.40 Немис тили.
11.00 "Ёшлар ва замон".
12.00 "Иқтисодиётимиз таянчи".
12.15 "Бола бошидан...".
12.50 — 14.30 "Синов даври". Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мухбирларимиз ҳикоя қилади.
18.25 "Таълим ва ислоҳот". Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 60 ёшда.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ёшлик студияси. Асрор Самад. "Қўлларимни қайтариб беринг". Теленовелла.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳақиқат қўрғони". Рес-публика Олий Судининг 70 йиллигига.
21.50 "Мақом". Фильм-концерт.
22.20 "Кино усталари". Халқ артисти Наби Раҳимов.
23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Учқун".
19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.30 "Билиб қўйган яхши".
19.55 "Устозларни ёд этиб".
20.50 — 21.50 "Кинотриада".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".
19.50 "Кашф этилаётган имкониятлар".
20.25 Телефильм.
20.35 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.

"ОМАД" таништиради:
21.30 Эълонлар.
21.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.15 Видео-"О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг".

***

18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "Россия тароналари". "Миряне" ансамбли куйлайди (Пенза шаҳри).
18.45 "Ким аслида ким?".XX аср. Г. Геринг.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
22.00 — 23.25 "Капитанга турмушга чиқаман". Бадиий фильм.

ШАНБА, 10

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Дурангсиз ўйин". Бадиий фильм.
10.35 "Талаба ва спорт".
11.05 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
11.25 "Халқ ижодиёти".
12.05 Болалар учун театр. "Қиличми — тўқмоқ".
12.35 "Фахрийлар — фахримиз".
13.25 "Созандалар ҳақида ҳикоялар". Адиба Шарипова.
14.05 "Қалбда муқаддаслик бор". Кинокўрсатув.
14.45 — 15.30 "Ёшлик" студияси. "Ҳаёт чироқлари".

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Икки кучукнинг саргузашти". Мультфильм.
18.10 Болалар учун. "Қўшиғим, жон қўшиғим".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Қалбим тароналари". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Демократик сайловлар сари".
22.00 "Барҳаёт наволар". Комилжон Отаниёзов.
23.20 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Бу сир эмас".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.30 "Видеогид".
10.50 "Теле-ателье-шоу".
11.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.45 "Кинонигоҳ".
13.15 "Омад" тақвими.
13.20 "Жозиба".
13.30 "Бир шингил ҳангома".
13.40 "Тумор".
13.50 "Муҳаббатга ошно қалблар".
14.10 "Теле-ателье-шоу".
14.20 Видео янгиликлари.
14.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
15.25 — 17.00 "Кинонигоҳ".

*

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Пульс". Хабарлар.
19.25 "Коллекция".
19.45 "Кичик дебют".
20.35 "Дарвоқе...".
21.35 — 23.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Қалбим ҳарорати".
10.30 "Юксалиш".
11.10 "Анор меваси".
11.50 — 12.05 "Календарда байрам кунлари".

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 "Мультқарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.50 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.15 "Ўзбекистон — ҳамкорлик йўлида".
20.50 "Умид" (уйғур тилида).
21.00 "Рангинкамон" (тожик хонандалари билан учрашув).
21.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.50 "Интердиалог". (Санкт-Петербургда ўзбекистонлик мусаввирлар кўргазмаси).
22.30 "Бу ажиб дунё".
22.50 — 23.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 "Брейн-ринг".
18.20 "Ушангача ва ундан сўнг..." Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради.
19.10 Мультфильм.
19.30 "Нима? Қаерда? Қачон?"
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 — 23.35 "Коламбия пиктчерс" таништиради: "Жаннатдаги қотиллик".Бадиий фильм.

ЯКШАНБА, 11

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 "Марғилон". "Ўзбектелефильм". Премьера.
9.10 "Маҳорат мактаби": 1. Теннис ўйнашни ўрганамиз. 2. "Шохруҳ" клуби.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Меҳр".
11.00 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин.
11.50 "Жараён".
12.40 Шеърий дақиқалар.
12.55 "Цирк! Цирк! Цирк!".
13.40 — 15.00 "Чашма-5". Фольклор жамоалари Республика кўрик-танлови ғолибларининг концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ойнаи жаҳонда...".
19.55 Дам олиш концерти.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Демократик сайловлар сари".
21.50 "Ёзги таътилда". Бадиий фильм (Миср).
23.40 — 00.10 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 Эълонлар.
18.00 Видео-"О".
19.40 Эълонлар.
19.50 "Курьер".
20.10 "Об-ҳаво ҳақида".
20.25 "Постфактум".
20.35 "Даракчи".
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 22.45 Видео-"О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Таклифлар ва ташрифлар".
10.20 "Интерпартнёр".
11.00 "Мусиқали саёҳат".
11.30 — 12.00 "Синема".

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Тараққиёт сири".

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.20 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.35 "Дунё эшиги".
22.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.30 — 22.50 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.15 "Мен Сизни учратдим..." Зураб Соткилава куйлайди.
18.25 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар (АҚШ).
19.25 "Бутун Россия".
19.55 Сильвестр Сталлоне "Қоянни забт этувчи" бадиий фильмида (АҚШ).
22.00 — 22.50 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; ; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А — 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.15. Г — 1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.